

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2014-ЙИЛ 18-СЕНТЯБАР, ПАЙШАНБА, 112 (8349)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, 16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилганидан кейин депутатлар мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган "Банкротлик тўғрисида"ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан ўз ишларини бошладилар. Қонун лойиҳаси кредиторлар томонидан киритилган маблағларни қайтариш кафолатларини, корхона банкрот бўлганда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича талабларни кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларига мутаносиб равишда қондириш орқали уларнинг талабларини қондириш навбати тартибига ўзгаришлар киритиш асосида кучайтиришни назарда тутди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш ҳисобига мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шундан сўнг депутатлар "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг атамалари ва ҳуқуқий нормаларини бир хилда қўллаш ҳамда улар турлича талқин қилинишининг, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Тузатишларни "Метрология тўғрисида"ги ва "Маҳсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида"ги қонунларга киритиш назарда тутилган.

Депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг кундалик турмушига ахборот технологияларини сингдиришга катта эътибор берилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг, шунингдек, улардан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматларнинг муваффақиятли жорий этилиши ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча тармоқларини, шу жумладан, бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти тизимига уйғунлашуви мамлакатимиз бизнеси томонидан тегишли технологиялар нафақат ташқи, балки ички бозорларда ҳам қўлланилишига олиб келиши муқаррардир.

(Давоми 2-саҳифада)

Дюнасан, нуқаддае Ватаним, севги ва садоқатим сенига бахшида, йўзал Ўзбекистоним!



Бухоро Вилояти

СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги "Қорақўл Жасури" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган брусчатка, шлокаблок, бордюр каби йигирмадан зиёд турдаги қурилиш материаллари буюртмачи корхона ва ташкилотларга

ҳамда худуддаги намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган уй-жой объектларига етказиб берилмоқда.

Ўнга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхона раҳбари Жаббор Жўраевнинг айтишича, йил охирига қадар ишлаб чиқаришни кенгай-

тириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: "Қорақўл Жасури" масъулияти чекланган жамияти ишчиси Жасур Жўраев.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.

«ОБУНА — 2015»



ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг қўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва қадриятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориз ҳақдорчилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2015 йил учун "Qishloq hayoti" газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда товарлар сотиш, ишлар бажариш ҳамда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, электрон тижоратни амалга ошириш ва унинг иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмларни белгилаб қўйиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Электрон тижорат асосида ахборот тармоқлари ва оқимлари воситасида операцияларнинг шаффофлигини ошириш мумкин. Бу эса харидорлар ва сотувчиларга турли рақобатчилар томонидан таклиф этилаётган нархлар, маҳсулот сифати ва етказиб бериш шартлари тўғрисида бир лаҳзада ахборот олиш имконини беради.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

Фахриддин СОЛИЕВ,
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги, молиявий бар-

қарорлиги ва инвестициявий фаоллигининг янада оширилиши, шу жумладан, мамлакатимиз товарларининг чет эл бозорларига чиқиши учун электрон тижорат инфратузилмасининг шакллантирилиши таъминланади.

Бизнингча, қонун лойиҳаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий воқеликлари ва истиқболларига жавоб берган ҳолда мамлакатимиз компаниялари электрон шаклда бизнес билан шуғулланиши учун самарали муҳитни вужудга келтиришга, уларнинг маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан тўлароқ ҳамкорлик қилишга, маҳсулотни ва хизматларини жаҳон бозорига чиқаришга қаратилган.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Қонун лойиҳаси электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда нафақат товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш учун қулай шарт-шароит яратишга, балки электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашга ҳам қаратилгандир. Шу билан бирга қонун лойиҳаси халқаро стандартларга жавоб беради-

ган юқори технологик бозор инфратузилмасини яратиш имконини беради. Ўз навбатида, бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилига айланади, бу эса партиянинг дастурий вазифаларига тўлиқ мос келади.

Ҳозирги вазиятда қулай шарт-шароитлар яратиш ва электрон тижоратни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ташкилий, технологик ва қонунчилик масалаларини ҳал қилишга ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаси ушбу соҳанинг тегишли ваколатли орган томонидан тартибга солинишига доир норма билан тўлдирилмоқда, шунингдек, мазкур органнинг ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси:

– Янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси замонавий ахборот технологияларини миллий иқтисодиёт тизимига фаоллик билан жорий этилишини таъминлашга, мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари ва хизматлар кўрсатувчиларига қулай шарт-шароит

яратиш беришга қаратилган.

Шу муносабат билан “Миллий тикланиш” демократик партияси электрон тижоратнинг ташкилий, технологик масалаларини ҳал этишга, ахборотнинг хавфсизлигига ва электрон тижорат иштирокчиларининг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга, атама ва тушунчаларни таърифлашга, электрон тижоратда давлат харидларини амалга оширишга ягона ёндашувнинг, шунингдек, хорижий қатнашчилар иштирокидаги битимларни тузишда қўлланиладиган зарурий ҳуқуқнинг таъминланиши тарафдоридир.

Раъно ГАИМОВА,
Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Қонун лойиҳаси мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни назарда тутади. Энг асосийси, ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо операцияларининг шаффофлиги ошиб боради, бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа вақт ичида шартномалар тузиш имконини беради. Ҳужжат иқтисодиётнинг либераллашуви ва глобаллашуви шароитларида демократик бозор ислохотларини чуқурлаштиришга ҳам

қаратилган.

Шу билан бирга қонун лойиҳаси бозорнинг янги иштирокчилари пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратиш беради. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, кичик бизнес субъектлари халқаро бозорда самаралироқ рақобатлаша олади. Бизнингча, давлат органлари ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг кундалик фаолиятида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши зарур.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси партиялар дастурлари ва сайловчиларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда қизиқарли, баҳслашув ва эркин мунозара руҳида ўтди. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган энг мақбул таклифлар ҳужжатларни маромига етказиш чоғида ҳисобга олинади.

Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар юқорида қайд этилган қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ҳамда ҳужжатларни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул қўмиталарга топшириб, уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕК ПАХТАСИННИНГ ШУҲРАТИ ЯНАДА ОШМОҚДА

БУНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ЭСА СИФАТГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРДАДИР

Мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш ва жаҳон бозорида рақобатбардошлиги ҳамда мавқеини оширишга қаратилган эътибор ўзининг ёрқин самарасини бермоқда.

■ Эркин МАҚСУДОВ,
Ўзбекистон “Сифат” маркази бош директорининг биринчи ўринбосари.

Биргина мисол, сўнгги йилларда селекцияларимиз томонидан ўнга яқин тегишар, тола чиқиши юқори ва узун бўлган, зарарқунанда ва касалликларга чидамли, худудлар иқлим ҳамда тупроқ шароитларига мос янги навлар яратилди. Шулар ичида трансген биотехник пахта энг кўзга ташланадиган технологиялардан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда трансген пахтанинг экилиш майдонлари дунё бўйича кенгайиб бормоқда. Бунинг боиси, трансген технологиялари ҳосилдорликни ошириш, ҳар хил иқлим ва табиат шароитига, турли касалликларга чидамли бўлади, ҳосилнинг сифат кўрсаткичларини кескин яхшилаш имконини беради.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг маълумотларига кўра, дунёдаги асосий пахта етиштирувчи давлатларнинг 75 фоиздан кўпроқ пахта далаларида трансген пахта етиштирилмоқда. Тропик мамлакатларда трансген пахта экилиши ҳисобига ҳосилдорлик қарийб 40-50 фоизга ўсди.

Мазкур маълумотлар ҳамда жаҳон пахта бозоридаги тола сифатига бўлган асосий талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзбек пахта толасининг асосий сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Натижаларда маълум бўлдики, пахта толасининг сифат кўрсаткичларини юқори даражага кўтариш ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини янада ошириш учун янги гоёларни яратиш талаб қилинмоқда.

Ушбу вазифаларни бажаришда пахтачилик соҳасига тегишли бўлган вазирликлар, ташкилотлар, марказ ва институтлар қатор ижобий ишларни амалга ошириб келишмоқда.

Шундай ишлардан бири сифатида Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан ишлаб чиқилган ген-нокаут технологиясини айтиш мумкин. Мазкур технология асосида толаси узун, сифат кўрсаткичлари юқори, эртапишар, серҳосил ва илдиз тизими ўта ривожланган янги “Порлоқ” навлари яратилди.

Ушбу навларни яратиш жараёнида Геномика ва биоинформатика маркази томонидан 2011-2013 йиллар давомида Ўзбекистон “Сифат” марказига тақдим этилган 15 мингдан ортиқ пахта толаси намуналари илмий-тадқиқот ишлари гуруҳининг мутахассислари томонидан HVI тизимида синовдан ўтказилиб, тегишли хулосалар тақдим қилинди.

Ўза селекцияларининг янги навларидан олинган пахта толасининг сифат кўрсаткичларини синовдан ўтказиб, таҳлил қилиш натижасида истиқболли навларни аниқлаш, кейинчалик кўпайтириш ва уни экиш учун сифатли кўрсаткичларга эга бўлган навларни танлаш имконияти яратилади.

Юртимизда етиштирилаётган “С-6524”, “Бухоро-8”, “Бухоро-6”, “Наманган-77”, “Омад”, “Анджон-36”, “Хоразм-127”, “Меҳнат”, “Ан-Боёвут-2” каби навлар, асосий кўрсаткичлари, яъни толаси узунлиги, пишиқлиги, микронейр кўрсаткичлари, ранги бўйича жаҳон бозорида етакчи ҳисобланади.

Пахта толасига бўлган замонавий талаб шуки, пахта толасига нафақат асосий, балки HVI тизимида асбоб ёрда-

мида олинган қўшимча кўрсаткичлар ҳам яхши бўлиши даркор.

Шу мақсадда пахта толасини классификациялаш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун бир қатор ислохотлар олиб борилди. Бу жараёнда Ўзбекистон “Сифат” марказининг алоҳида ўрни бор. Республика-миз пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқараётган ҳар бир той пахтанинг сифат кўрсаткичлари ва оғирлиги Ўзбекистон “Сифат” марказининг худудий лабораторияларида синовдан ўтказилади ва назорат қилиб борилади.

Марказда толаларни сертификатлаш ва ҳар бир тойни синовдан ўтказиш жараёни HVI ускунаси тизимлари орқали амалга оширилади. Айнан HVI тизимлари толанинг хусусиятлари, жумладан, унинг узунлиги, узунлик бўйича бир хиллиги, пишиқлиги, ранги, тозаллиги, микронейри, калта тола миқдори каби кўрсаткичларни аниқлаб беради. Синов натижаларига асосан эса тола тўдаларига мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилиб, у ишлаб чиқарувчи корхонага тақдим қилинади.

Мамлакатимизда пахтачилик агротехникасининг яхшиланиши ва янги навларнинг амалиётга жорий этилиши ҳамда пахта толасини тойма-той HVI тизимида синашнинг йўлга қўйилиши натижасида харидорлар учун мақбул бўлган 4 типдаги толанинг миқдори ошиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг айрим пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасининг 95 фоиздан ортиғи “Олий” ва “Яхши” синфларга қабул қилинди.

Кувонарлиси, ўтган йили “Олий” ва “Яхши” синфларининг умумий улуши 84 фоизга етди. Толанинг узунлиги бўйича 4 типга мансуб толаларнинг умумий ҳажми эса 2012-2013 йиллар ҳосили бўйича 77,6 фоиздан 80,8 фоизгача ортди.

“Сифат” маркази 10 йилдан зиёд



вақт мобайнида ўтказилаётган HVI тизимларидаги синовларнинг аниқлик даражасини баҳолаш мақсадида Германиянинг Бремен пахта уюшмаси ҳамда пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси билан биргаликда 100 дан ортиқ мамлакатлар иштирокидаги Халқаро инструментал солиштирув тест синовларида мунтазам иштирок этиб келаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Негаки, бу жараёнда ўзбек пахтаси сифатини баҳолашда жаҳон бозорида қабул қилинган стандартларга тўлиқ риоя қилиниши таъминланмоқда.

Пахта толаси сифати ҳақидаги маълумотларни солиштириб, шундай хулоса қилиш мумкинки, пахта толасининг синовлари, унинг тўлов тизими, нав таркибини яхшилаш ва пахта тозалаш саноатининг самарадорлигини ошириш борасидаги ислохотлар ўзбек пахтасининг шуҳратини янада юксалтиришга замин яратмоқда.

“Сифат” маркази эса ўз иш фаолияти давомида толанинг сифатини баҳолаш мезонлари ва усулларини доимий такомиллаштириб бормоқда. Шубҳасиз, бунда халқаро пахта ярмаркаси муҳим бозор механизми вазифасини ўтамоқда. Ушбу нуфузли тадбир ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилмоқда.

Ўйлаймизки, жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ҳам муваффақиятли ўтади.

Пойтахтимизда “Одам савдосига қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: миллий тажриба ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

ГЛОБАЛ МУАММОГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон, АҚШ, Португалия, Молдова ва Қозоғистондан соҳа мутахассислари, экспертлар, халқаро ташкилотлар, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясига кирувчи давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳудудий идоралараро комиссиялар масъул котиблари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ходимлари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Шўрат Узоқов, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, элчи Дьердь Сабо ва бошқалар Президент Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одам савдосининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яхлит ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизими шакллантирилгани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Одам савдоси ҳудуд, чегара билмайди глобал муаммолардан биридир. Мамлакатимизда фуқароларнинг ушбу жиноят курбонига айланиб қолишининг олдини олиш, ундан жабр кўрганларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари, фуқаролар йиғинлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг мувофиқлашган фаолияти бу борада яхши самара бермоқда. Масалага кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, унинг мудҳиш оқибатларидан ёшларни огоҳ этиш мақсадида турли таъсирчан воситалардан унумли фойдаланилмоқда.

Бу борада тегишли қонунчилик асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдоси-

нинг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий кафолатлар ҳаётга тўла татбиқ этилмоқда. Одам савдосининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилди. Бу жиноят оқибатида жабр чекаётган инсонларни аниқлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилган. Улар одам савдосининг оқибатларини тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб бориш, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали кенг оммага етказмоқда. Натижада бугунги кунда бу жиноятнинг олди олинмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, жойлардаги ҳудудий идоралараро комиссиялар давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида одам савдосига қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи мазкур идоралараро комиссиялар фаолиятини кучайтириш, одам савдосига имконият яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Маҳалларда ўтказилаётган учрашувларда аҳолига чет элга чиқиш тартиблари, соғлом турмуш асослари ҳақида зарур маълумот берилмоқда. Маҳаллалар, таълим муассасаларида аҳолининг кенг қатлами иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Халқаро экспертлар одам савдосига қарши давлат органлари ва жамоат ташкилотлари биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унинг йўлига мустақкам тўсиқ қўйиш мумкинлигини таъкидлади. Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, бу йўналишда халқаро тажрибани ўрганиш, тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада мустақкамлаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

– Бу тадбирда кўрилган масалалар, муҳокама этилган мавзулар бутун дунё учун ғоят муҳимдир, – деди ЕХХТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакили ва мувофиқлаштирувчисининг ўринбосари Рут Пойман (Австрия). – Ушбу семинар барча иштирокчилар учун самарали ва фойдали бўладиган тавсияларни

ишлаб чиқиш имконини берди. Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган изчил ишлар ўз самараларини бераётганига амин бўлдик. Бу борада фуқаролар ва давлат ўртасидаги боғловчи бўлган нодавлат ташкилот-

лар салоҳиятидан самарали фойдаланилаётгани, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб бораётгани эътиборга молик. ЕХХТ одам савдосига қарши курашиш борасида ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятида.

Семинарда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишларни ташкил қилишнинг асосий йўналишлари, ушбу жиноятга қарши курашиш доирасида қонунчилик ижросини таъминлашда прокурор назорати, давлат, жамоат, нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

– Бугунги кунда одам савдоси инсон, унинг ҳуқуқлари, кадр-қиммати, осойишта ҳаёти ва келажакка жиддий таҳдид солаётган жаҳон миқёсидаги долзарб муаммага айланган, – деди одам савдоси масалалари бўйича халқаро маслаҳатчи Жоана Даниэл Врабец (Португалия). – Бу жиноятга қарши давлат тузилмалари, жамоат, нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар биргаликда курашиши зарур. Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашишда ана шундай тизим йўлга қўйилгани диққатга сазовор. Ушбу халқаро семинар одам савдосига қарши курашиш бўйича соҳа мутахассисларига ўзаро фикр алмашиш имконини бергани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Анжуман иштирокчилари одам савдосига қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ушбу йўналишдаги миллий ва халқаро миқёсдаги қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашдилар. Одам савдосига қарши курашишнинг муҳим воситалари, қатор хорижий давлатлар тажрибаси, одам савдоси билан боғлиқ жинсий ишларни текшириш, ундан жабр кўрганларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, одам савдосига қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига оид маърузалар тингланди.

Семинар якунлари бўйича тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий идоралараро комиссиясида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

СОЛИҚЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИНГ ТЎЛОВ МУДДАТЛАРИ ЯКУНЛАНИШИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг уй-жойлари, дала ҳовли, гараж ва бошқа иморатлари ҳамда ер участкалари мол-мулк ва ер солигини ундириш объекти ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосан ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаган тақдирда, 2014 йилда солиқ ҳисоблаш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18 миллион 480 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8 миллион 030 минг сўм миқдоридан мол-мулкнинг шартли қийматлари қўлланилади.

Агарда айрим сабабларга кўра жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобланмаган бўлса (масалан, солиқ органида жисмоний шахс эгаллигидаги кўчмас мулк ёки ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда), давлат солиқ хизмати органлари бундай маълумотларни олган кундан бошлаб солиқ даври тулаганидан кейин беш йил ичида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Мол-мулк ва ер солиқлари суммаси ҳамда уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқлари суммаси тўғрисидаги маълумотни ҳамда тўлов хабарномаларини жойлардаги давлат солиқ хизмати органларидан, шунингдек, Давлат солиқ қўмитасининг «www.soliq.uz» сайтидаги «Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан» ҳам олиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, жисмоний шахслар солиқ имтиёзидан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақлидир. Бунинг учун жисмоний шахслар солиқ имтиёзларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадилар.

Жисмоний шахслар томонидан солиқ даври учун мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар тўланади. Ҳар бир фуқаро ўзига тегишли мол-мулк объектлари ва ер участкалари учун ҳисобланган солиқни тўлов муддатидан олдин тўлаши мумкин.

Солиқ тўловчилар ҳисоблаб берилган мол-мулк ва ер солиқларини белгиланган муддатларда тўламаган тақдирда Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдоридан пеня ҳисобланишига сабаб бўлади. Шунингдек, ҳисобланган солиқларни муддатида тўламаган фуқаролардан солиқлар амалдаги қонунчиликка биноан белгиланган тартибда суд орқали мажбурий ундирилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи мунтазам тўланмай келган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Шундай экан, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқларини жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай тўлашни унутмайлик.

Равшан НАСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 51-модда.

БОҒЛАРДАГИ КУЗГИ ЮМУШЛАР

КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАМАЛ ТОШИДИР

Айни кунларда боғ ва токзорларда мавсумий парвариш ишлари асосан тугалланди. Эндиликда қишга сақланадиган мева ва узум ҳосилини теришга эътибор берилади.

ИШЛОВ СИФАТИ – ҲОСИЛ ГАРОВИ

Тупроқ қатлами қалин бўз ва бўз-ўтлоқи ерлардаги боғларни 15 сентябрдан сўнг суғориш ишлари тўхтатилади. Тупроқ қатлами юпқа (таги шағалли ерларда) майдонларни сентябрнинг охиригача суғориш мумкин. Шунда дарахтлар қишга яхши тайёрланади, совуқдан азият чекмайди.

Дарахтларнинг танаси (ердан она шохларгача) яхшилаб оқланади. Бунда бир қисм оҳақка бир қисм тупроқ ва ҳар 10 л. эритмага молнинг 2-3 кг. янги шатмоғи қўшилса, яхши самара беради. Бу, биринчидан, ниқоб вазифасини бажариб, совуқдан ҳимоя қилса, иккинчидан, дарахт танасидаги ёриқларга эритма кириб, зараркундаларнинг қишлашини бартараф этади. Касалликларни камайтиради.

Зараркундан ва касаллик тарқалган боғларда кеч кузда пуркаш ишларини бажариш учун кимёвий восита ва пуркагичларни тайёрлаб қўйиш зарур.

МЕВА ТЕРИМИДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Меванинг кечпишар навлари ҳосили сентябрь ойида пишиб етилади. Ҳосил теримига 10-15 кун қолганда, ҳар 100 м. масофада юк ташиш учун йўллар тайёрланади.

Кечпишар олма ва нок мева-

ларининг пишиб етилишига қараб теришга киришилади. Аввало, ерга тўқилган мева терибли олинади. Тўпланган мева-узумлар сараланади, катта-кичикликка ажратилиб товар ҳолатига қараб, қутиларга тахланади, сўнгра сақлаш ва қайта ишлаш ёки сотувга юборилади.

ТОКЛАРНИ КЕСИШ

Узумдан мўл ҳосил олиш учун ток ҳар йили кесилиб, маълум шаклга келтирилади. Ток икки муддатда: кўмиладиган тоқлар кузда йиғим-теримдан сўнг, кўмилмайдигани асосан баҳорда кесилади. Бунда ток новдаларининг сони ва тупда жойланиши, токнинг ўсиш кучига қаралади. Шунда ҳосилга кириши тезлашади, ҳосил олиш учун доимо яхши пишган, бақувват, соғлом ва бағазларда яхши ётадиган, бўғим орасида меъёридаги новдалар қолдирилади.

Вертикал симбағазда ўстирилувчи ҳосилдор токни умумқабул қилинган технология бўйича кесиш зарур. Кесиш вақтида тупларда меъёридан 20-25 фоиз қўшимча кўзлар қолдирилади. Кучли ўсадиган Пушти тоифи, Нимранг, Ҳусайни, Қоракишмиш каби навларда кўзлар кўпроқ қолдирилиб, узунроқ кесилади. Бир тупда 200-300 тагача кўз қолдирилади. Ўртача ўсувчи Ркацителли, Саперави, Мускат навларида кўзлар сони



▼ МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

150-180 тагача қолдирилгани маъқул. Кучсиз ўсадиган Рислинг каби навларда эса 80-120 та кўз қолдирилади.

Пишган новдалар кесилгач, уларни пастки симга боғлаш мумкин бўлсин. Заифроқ новдаларда 2-3 та кўзча қолдириб кесилади. Келажакда 4-6 та занг бўлиши учун новдалар қолдирилади, 9-10 ёшли занг новдалар янгиланади.

Ҳар битта зангда 2-3 (юклага қараб) новда ва зангнинг қуйи қисмида ўринбосар новда (2-3 кўз) қолдириб кесилади. Занглар иккала томонга тенг тақсимланади. Келаси йили бирорта занг алмашадиган бўлса (олиб ташланадиган), унинг ўрнига занг ҳосил қилиш учун маъқул бўладиган новда қолдирилади.

Кесилган ток туплари кўндоқлаб ётқизилгач, кўмишдан олдин оидиум (кул) ва антракноз касалликларига қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингургурт қайнатмаси билан жиққа хўллаб пуркаш керак.

ҲОСИЛНИ ҚИШГА САҚЛАШ

Мева-узум маҳсулотлари ертўла, омбор, оддий ўра ёки омборхоналарда сақланади.

Етилган мевалар об-ҳаво қуруқ вақтда, банди билан бирга авайлаб узилади. Етилиш даражаси бўйича навларга ажратилади ва ўлчамлари бўйича саралаб, қутиларга жойланади, 7-8 кутини устма-уст омборнинг шипигача 50-60 см. масофа қолдириб тахланади. Қутиларнинг қаторлари ўрта-

сида ҳаво юриши учун 10 см. тирқиш ва 60-80 см. ли йўл қолдирилади.

Олмани омборларда идишсиз сақлаш учун девор бўйлаб турли кенгликда, баландлиги 10-15 см. ли ёндорли сўкчаклар ўрнатилади.

Мева-узумларни сақлаш вақтида текшириб туриш учун улар сўкчакларга пирамида шаклида ўйиб ёки юпқа қават қилиб ёйиб қўйилади.

Олма ва нокни 5-6 ойгача сақлашнинг энг яхши шарт-шароити ҳаво ҳарорати 0-1 °C ва нисбий намликни 85-95% бўлганидир.

Албатта, оддий ертўлаларда бундай шароитга эришиш қийин. Бунинг учун ҳавони шамоллатиб, сув сешиб, олтингургурт билан дудлаш ва маълум ораликда мева-узум сифатини текшириб бориш керак.

Узум бошларини сояга ёйиб, 1-2 кун шамоллатиб сўлтилади. Сўнгра бошларини иккитадан боғлаб, осиб сақласа ҳам бўлади. Новдалари билан кесилган узум бошлари сувли идишга новдасини ботириб сақлаш ҳам яхши натижа беради.

Айрим жойларда узум қамишдан тўқилган бордонларга ётқизиб ҳам сақланади. Сақланаётган маҳсулот бир ойда икки мартаба кўздан кечирилади ва омборхона олтингургурт билан дудлаб турилади.

**А.АРИПОВ,
Х.ЎТАГАНОВ,
Х.АБДУЛЛАЕВА,
Академик Маҳмуд Мирзаев
номи Боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик
илмий-тадқиқот институти
ҳодимлари.**

Наманган Вилояти

ЗАМИННИ СОҒЛОМЛАШТИРАЁТГАН МЕЛИОРАТОРЛАР


Мингбулоқ тумани маркази Жумашўй шахридан “Бўстон” қишлоқ фуқаролар йиғинига йўл олдик. Бораётган манзилимизда “Мингбулоқдавсуммахсуспудрат” давлат унитар корхонасига қарашли техника воситалари “Қора шаҳар” коллекторини тозалаштиклаш ишларига жалб этилган экан. Шу боис, “Жумашўй-Қорақалпоқ” автомобиль йўлидан чапга қайрилиб, “Аччиққўл” қумтепаликлари ўрнидан ўзлаштириб олинган экин майдонларини ортда қолдириб, Гулистон маҳалласига кириб бордик.

— Гулистон маҳалламизда икки юзта оила истиқомат қилади, — дейди “Бўстон” қишлоқ фуқаролар йиғини расиси Алижон Куронов. — Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми далага чиқиб, деҳқончилик ишлари билан шуғулланади. Бир пайтлар нафақат экин майдонлари, ҳатто бизлар яшаётган қишлоқ ва маҳаллаларнинг ўрни ҳам қумтепалар

бўлган. Кейинчалик улар ўзлаштирилди. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳаётга татбиқ этилгач, бу ерлар унумдор майдонларга айланди. Яъни ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу борада ҳормай-толмай меҳнат қилаётган ирригатор ва мелиораторларнинг ғайрат-шижоати ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Дарвоқе, мелиораторларнинг меҳнатини бежизга табиблар ишига қиёслашмайди. Зеро, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, уни соғломлаштирмасдан туриб, юқори ҳосилдорликка эришиб бўлмайди.

— Айни пайтда корхонамизда 53 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди “Мингбулоқдавсуммахсуспудрат” давлат унитар корхонаси раҳбари Бекзод Абдуразоқов. — Улар томонидан туманимиз ҳудудида ҳамда бошқа жойлардаги бир қатор коллектор-дренаж тизимларини тозалаш, таъ-



мирлаш, тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, иш юритувчи Анваржон Салимов бошчилигидаги мелиораторларимиз 100 километр узунликдаги “Қорашаҳар”, 87 километр узунликдаги “Аччиққўл-Сариқсув”, 68 километр узунликдаги “Қорақалпоқ” каби коллектор тизимларини тозалаштаъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Бу борада тажрибали экскаваторчилардан Абдурахим Мадиев, Ҳасанбой Абдужалилов, Аҳмаджон Ёмғирчаев, Авазбек Исмоилов, бульдозерчилардан Орифжон Мамадалиев, Набижон Имомалиев ва бошқаларнинг ҳамжиҳатликдаги меҳнатлари натижасида жорий йилнинг ўзида қарий 3451 гек-

тар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Учқўрғон туманига қарашли “Қайқи” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин дарёси қирғоқларидаги 90 метр узунликдаги дамбани кўтариш ва мустаҳкамлаш ишлари бажарилмоқда. Дарёнинг қирғоқ минтақаларини мустаҳкамлаш юмушларига иш юритувчи Неъматжон Тургунов бошчилигида бульдозерчилар Набижон Имомалиев, Баҳодир Фозилов, ҳайдовчилардан Валижон Деҳқонов, Зокиржон Бобоев, Акрам Солихонев ва бошқалар жалб этилган.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.**



ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ҳар томонлама етук ва малакали мутахассислар тайёрлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда 1997 йил 27 августда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури муҳим омил бўлаётир. Унинг ўзига хос босқичлари узлуксиз таълимни ривожлантиришдан бошлаб кадрлар захирасини мустаҳкамлашгача бўлган жараёни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Хусусан, давлат хизматчиларини тайёрлашда олий ўқув юрти битирувчиларининг ишга жойлашувини мониторинг қилиш, меҳнат фаолияти давомида ижобий кўрсаткичларга эришаётган ходимларни танлаш, уларнинг тажриба ва малакаларини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда кадрлар захираси билан ишлаш борасида бой тажриба тўпланган. Кадрлар захирасини шакллантириш ходимларнинг лавозимларга кўтарилиб боришини мақсад қилиб кўяди. Лавозимларни эгаллаш одатий тизим ёки ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари асосида амалга оширилиши мумкин. Захирани тайёрлаш жараёни раҳбар кадрлар таркибидаги ўзгаришлар режасини тузиб чиқиш, захирага номзодларни олдиндан танлаш, номзодларнинг ишчанлик, касбий ва шахсий фазилатларига доир ахборотларни жамлашдан иборат.

Захирага номзодларни танлашда ходимнинг маълумоти, касбий тайёргарлик даражаси, одамлар билан ишлаш тажрибаси, ташкилотчилик қобилиятлари, шахсий фазилатлари, саломатлиги, аҳволи ва ёши асосий мезон ҳисобланади.

Захира учун номзодлар 35 ёшгача бўлган мутахассислар ичидан танланади. Мазкур жараёнда номзодларнинг ишда ўзларини ижобий жиҳатдан намойён қилишлари ва олий маълумотга эга эканликлари эътиборга олинади. Шунингдек, уларнинг ҳар жиҳатдан етуқлиги, меҳнатга муносабати, бошқариш ва илғор гоғларни қўллаб-қувватлаш қобилиятлари ҳамда маънавий-ахлоқий сифатлари ҳам ҳисобга олинади.

Раҳбарликка номзод танлаш ва унинг малакасини аниқлашнинг кенг тарқалган турларидан бири лавозимларга юқори раҳбарлар томонидан номзодлар тавсия этилишидир. Номзоднинг малакаси иш фаолияти давомида ўрганиб борилади. Бунда танловчи раҳбарнинг ўзи ким эканлиги, унинг касби, дунёқараш, мақсадлари ва характерли хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзидан куйи лавозимга кадр танлаётган раҳбар ўзининг ёки ташкилот ва ўзгалар мақсадманфаатидан келиб чиқиб, масалага ёндашади.

Мамлакатимизда лавозимга номзод тавсия этишнинг асосан икки тури қўланади. Биринчиси, раҳбарият томонидан тавсия этилган номзодларга

жамоатчиликнинг овоз бериши, иккинчиси эса номзодларнинг жамоа томонидан тавсия этилиши ва масаланинг овознинг кўп ёки камлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинишидир.

Лавозимларга номзод танлашда қўлланиладиган услублардан яна бири комиссия ёрдамида танлаш ёки тавсия этишдан иборат. Бунда кадрнинг шу комиссия иш бошлангунига қадар бўлган фаолияти таҳлилига эътибор қаратилади ва айни вақтда кадр малакасини баҳолаш иши ҳам амалга оширилади. Кадр танлаш ёки тавсия этиш ва унинг малакасини аниқлашда аттестация ёки конкурс услубидан ҳам фойдаланилади. Аттестация, конкурс ёрдамида аниқлаш комиссия услубига ўхшаб кетса-да, моҳият ва мақсадларига кўра ундан фарқ қилади.

Бизнингча, раҳбарлик лавозимларига танловда шахснинг раҳбарлик қобилиятини бевосита текширадиган, унинг дунёқараш ва характерини баҳолайдиган ҳамда раҳбарликка тавсия этадиган махсус гуруҳ ёки ташкилот тузилиши лозим. Бундай гуруҳ ёки ташкилот психологик, социологик, ҳуқуқ, бошқарув ва ижтимоий ҳаёт муаммолари, маҳаллий шарт-шароитларни ўрганиши мақсадга мувофиқ. Ишни бу тарзда ташкил этиш бошқарувни яхши биладиган, қобилиятли номзодларни саралаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Азамат КАЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Давлат бошқаруви
академияси тингловчиси.

Бухоро Вилояти

Асаларини шундай аташади: оила табиби, хонадон хазинаси. Бу халқимизнинг кўп йиллик кузатишларидан келиб чиққан, асрлар давомида сайқалланган нақл.

Оила табиби, хонадон хазинаси

Кейинги йилларда тармоққа қаратилган эътибор натижасида асаларичилик замонавий, илғор технологиялар асосида ривожланмоқда. Асал маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошмоқда.

Шофирконлик тадбиркор Зафар Бакоев ҳам шундай имкониятлардан фойдаланиб, асаларичилик учун сунъий мум пардаси ишлаб чиқарадиган мини цех ташкил этди.

Мутахассислиги ветеринар бўлган Зафар Бакоевнинг айни шу йўналишда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши бежиз эмас. У бунинг учун узоқ кузатди, асаларичилар билан суҳбатлашди, уларнинг муаммоларини ўрганди.

Асаларичиларимиз мум хомашёсини мум пардасига алмаштириб олишга жуда қийналишарди, дейди у. Бунинг учун турли вилоятларга бориб келишарди, анча оворгарчиликлари бор эди. Ҳўш, кўпроқ хориждан келадиган бу маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқарсак бўлмайми? Шу саволнинг жавобини излаш жараёнида мум пардаси ишлаб чиқарадиган технологиялар, уларни ишлатиш ҳақида кўп маълумотлар тўпланди. Фарғоналик асалчиларнинг тажрибаси катта ёрдам берди. Фарғоналик Шерали Суярқулов мана шу ускунани олиб келиш ва ўрнатишда, уни ишлатишда катта кўмак берди.

Ҳозирда тадбиркорнинг Шофиркон тумани деҳқон бозорида жойлашган асал маҳсулотлари сотиладиган

дўконда асалдан ташқари мум парда ва асалари касалликлари учун зарур бўлган турли воситалар савдоси йўлга қўйилган.

Асаларини халқимиз етти хазинанинг бири дейишади, дейди тадбиркор. Биз ҳам фаолиятимиз давомида унинг исботини кўриб келяпмиз.

Шофирконлик яна бир асаларичи Иброҳим Элмуродов эса 300 дан ортқ болари оиласини парваришламоқда. У Шофиркон ўрмон хўжалигида фаолият юритади. Иброҳим Элмуродовнинг саъй-ҳаракатлари билан хўжалиқда кейинги йилларда асаларилар сони ортди. Қолаверса, 2011 йилдан буён 300 дан зиёд асалари пакетти бошқа ҳамкасбларига етказиб берилди.

Бир грамм бол тўплаш учун асалари шу қадар кўп меҳнат қиладики, бу заҳматкаш жониворларнинг шижоатига тасанно айтасиз, дейди Иброҳим Элмуродов. Эрта баҳорда уларни Жилвон чўлига, сўнгра Каттақўрғон туманидаги тоғ этакларига олиб чиқамиз. У ерлардаги табиат неъматларидан саралаб йиғилган бол шифога ҳам бой бўлади. Асал – минг дардга даво. Шу боис, унинг харидорлари ҳам кўп.

Бугунги кунда Шофирконда Зафар Бакоев ва Иброҳим Элмуродов каби асаларичилик билан шуғулланиб, катта даромад олаётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда.

Омон ТўРАЕВ

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЭЪЛОН

